

USE EFFECTIVE METHODS IN MUSIC LESSONS

Mizamova Hulkar Muhiddinovna

Institute for Retraining of Directors and Specialists of Preschool Educational Organizations Senior Lecturer of
Department of Preschool and Music Education

ABSTRACT

This article describes how a music director should conduct his work on the basis of our national heritage and values, as well as the early detection and development of children's special musical listening skills.

Keywords: effective methods, musical education, preschool education, children's fantasy

INTRODUCTION

Ўзбекистон Республикасида сўнги йилларда олиб борилаётган узлуксиз таълимдаги улкан ислохатлар барча таълим босқичларида ўз самарасини кўрсатиб келмоқда. Хусусан, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори узлуксиз таълимнинг биринчи бугини ҳисобланган мактабгача таълим тизимида ҳам изчил ўзгаришлар амалга оширишга замин яратди ва миллий ғоялар билан янгилашиб бормоқда.¹ Мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишдан мақсад, барча мактабгача таълим ёшидаги болажонларни таълим тизимига қамраб олиш, ҳамда уларни беғубор болалик даврида соғломлаштириш ва дастлабки билим ва кўникмаларга ўргатиб боришдир.

Мактабгача таълим ташкилотининг барча мутахассислари қатори мусиқа раҳбарининг ҳам ушбу таълим жараёнида тутган ўрни масъулиятлидир. Мусиқа раҳбари фаолияти нафақат байрам ва тадбирлар учун болажонларни санъат билан ошно қилиш, балки мусиқа орқали бола руҳиятини, шу билан бирга, мусиқий билимлар воситасида ақлий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган.

Комил инсон тарбияси ҳар бир даврда муҳим масала ва энг кўп эътибор қаратиладиган тизимли жараён ҳисобланади. Унинг асосий негизида инсон тақдири ва келажаги бўлганлиги боисдан, комил инсон сифатларини шакллантиришга безътибор қараб бўлмайди. Барча ривожланган давлатлар ўзининг ривожланиш омили деб шахс камолотини бирламчи ўринга қўйганлиги, яъни таълим тизимини қайтадан ислоҳ қилиш ва кадрлар сифатини юқори даражага кўтариш билан эришганлигини кўришимиз мумкин.

MAIN PART

Айнан мана шу каби тизимли таълимни йўлга қўйиш, таълимнинг сифат кўрсаткичини кўтариш мақсадида мамлакатимизда кўплаб ислохатлар олиб борилмоқда. 2019 йил 14 декабрда “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” ги қабул қилиниши ушбу тизимнинг давлат сиёсатида тутган ўрнини белгилайди. Қонуннинг 38-моддасида “Болаларни Ватанга муҳаббат, меҳнатга, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига, шунингдек, умуминсоний қадриятларга хурмат билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши; оилада боланинг ҳар томонлама ривожланиши, таълим ва тарбия олиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаши шарт эканлиги белгилаб қўйилган.”²

Мактабгача таълим ташкилоти мусиқа раҳбари мусиқа машғулотларга креатив ёндошган ҳолда, тарбияланувчиларнинг мусиқий дунёқарашини ўстириш, оҳанглар орқали эзгулик ғоясини етказиш, мусиқани ижро қилиш воситалари, яъни чолғулар билан таништириш ва уларга ўргатиш ҳамда мусиқий-

¹2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”

²Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни 38-модда Т-2019

ритмик ҳаракатлар воситасида ритм ҳиссини шакллантиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, муסיқа раҳбари болалардаги ноёб ҳисобланган муסיқий эшитиш қобилиятини борлигини сезиши, уларни тўғри баҳолай олиши керак.

“Муסיқа таълимибошка фанлар каби мактабдан эмас, балки мактабгача таълим ташкилотларидан бошланади ва таълим тизимининг барча жавҳаларида давом этади. Шунинг учун биз келажак авлодни муסיқий билимга эга бўлишларига замин яратар эканмиз, уларнинг муסיқий-эстетик тарбияларига алоҳида эътиборимизни қаратмоғимиз зарур.”³ Дарҳақиқат, муסיқий таълимнинг болаларда қанчалик эрта олиб борилиши, уларнинг руҳий-эмоционал ривожини, муסיқий хотирасини ўсиши ҳамда ижтимоийлашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Бола кўз ўнгидаги намоён бўлаётган оламни турли рангларда кўргани каби қулоғи билан эшитган оҳангни ҳам ўзгача чизгиларда тасаввур этади. Аммо мана шу эшитган оҳангини рангоранг бўёқлар билан бирга тасвирласак, шу билан бирга, болада муסיқий товушни идрок этиш қобилиятини шакллантирсак, уларнинг ақлий ривожланиши ва хотирасининг мустаҳкамланишида ижобий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам, муסיқа орқали кечадиган барча жараёнлар боланинг руҳий, жисмоний ва ақлий ривожига самарали эканлигини кўришимиз мумкин.

“Муסיқа эса маънавий камолликка етакловчи воситалардан биридир. Муסיқанинг ҳар қандай жанри маънавий тарбия асоси бўла олади. Муסיқа мустаҳкам билим олишга, миллий қадрият, маънавий баркамоллик, умрбоқий анъаналар ва аждодлар таълимотини ёшлар онгига, турмуш тарзига сингдириш тарбия ишига кўмаклашади.”⁴ Бундан англашимиз мумкинки, миллийлик ҳар бир халқнинг ўзлигини, тарихий сақланиб келатган анъаналари, маданияти ва маънавиятини ўзида акс эттиради. Миллатнинг бир ғоя ва бир мафкура руҳида бирлаштириш, қолаверса, миллийлик руҳида авлодларини тарбияламоқ учун, аввало, халқ ўзлигини англаши ва уни ўз шуурига сингдиришига эътибор қаратмоғимиз зарур.

Шу боисдан ҳам, мактабгача таълим тизимида, миллий муסיқамиз оҳанглари эшиттириш ва халқ оғзаки ижод намуналарини ўргатишга янги услублар асосида креатив ёндошишни давр тақозо этмоқда. Фарзандларимиз қанчалик миллий маданий меросимиз, ҳамда қадриятларимизни ўзлаштириб, уларнинг оғушида камол топса, шунчалик одоб-ахлоқи ва тарбияси ижобий бўлиб вояга етади. Отабобларимиздан қолган барча маънавий бойликларимиз фақатгина эзгулик, яхшилик қилмоқ, тўғри сўзликлик, қаноатли ва сабрли бўлиш каби ғоялар билан йўғрилгандир. Мана шу ғоялар муסיқий оҳанглар билан омикталанданда эса, қадриятларимиз жонланади ва қалбларга тезлик билан ўрнашади.

Бундан ташқари, ўзбек халқининг азалдан турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, байрам-сайиллари, фасллар билан боғлиқ дала ишларининг барчасида кўшиқлар қуйланган ва бизга бу кўшиқлар негизда халқимизнинг нечоғлик меҳнатсеварлиги, шу билан бирга, муסיқа билан ошно қалб эгалари бўлганлигини кўришимиз мумкин. Фарзандларимиз фольклор кўшиқларни ўрганиш билан бирга, отабобларимизнинг мардлик ва жасорат, меҳнатсеварлик, табиат ва жонзотларга меҳр ва ўзбекларга ҳос бўлган меҳмондўстлик каби ижобий фазилатларни ҳам ўзларига сингдиришади.

Фольклор муסיқаси тузилиши жиҳатдан соддалиги, маълум бир муסיқий лавҳаларнинг тез-тез такрорланиб туриши билан болалар хотирасида осон ўрнашади. Товуш сақранмалари кварта, квинта

³Соипова Д. “Муסיқа ўқитиш назарияси ва методикаси” Т-2009, Б-4

⁴Қодирова Д. “Ўзбекмиллиймуסיқасининг эстетик хусусиятлари” Т-2010, Б-16

интерваллари оралиғида пайдо бўлади. Шеъринг матни кичик буғунли сўзлардан таркиб топганлиги учун куйланиш услуби содда ва нафас билан боғлиқ муаммоларга дуч келинмайди. Фольклор кўшиқлар болаларнинг шошқин табиатига монанд рух бағишлаб, куйлаш, рақс харакатлари, шу билан бирга маълум бир образ яратиш каби вазифаларни олдига қўяди.

Ўзбек фольклор чолғулари кўриниши ва ижро услуби содаллиги, ижрочилик малакаси талаб қилинмаслиги билан мактабгача ёшидаги болаларнинг ижро этиши учун айна муддаодир. Ушбу чолғуларда маълум бир куй янграмайди, аммо куй учун махсус жило (эффект), усул (ритм) ҳосил қилишда фойдаланиш мумкин. Мактабгача таълим ташкилоти мусиқа раҳбарлари болажонларни фольклор чолғулар билан таништиришда, албатта, креатив ёндошган ҳолда янги усулларни қўлламоғи лозим.

Куйидаги фото ишланмада фольклор мусиқий чолғулар тилидан ёзилган шеъринг тўртликлар келтирилган бўлиб, чолғу суръати ҳамда ижро услуби тасвирланган:



Мактабгача таълим ташкилотида ўтказиладиган байрам эрталиклари ва турли тадбирларни мусиқасиз тасаввур этиб бўлмайди. Мусиқанинг шундай кучи борки, у болажонларни ҳис-туйғулари ва кайфиятларини бошқара олади: ҳафа бўлса хурсандчилик баҳш этади, жиззаки бўлса сокинлик ва хотиржамлик кайфиятини улашади. Куйлар ва кўшиқларни ўзлаштириш орқали болажонларнинг мусиқий хотираси ривожланади ва ижодкорлик қобилиятлари шаклланиб боради.

CONCLUSION

Ушбу байрам кечалари орқали тарбияланувчилар, аввало, ўзлигини намоён қилишни ўрганишади. Бу нима дегани? Яъни педагоглар томонидан ўргатилган маълум билим ва кўникмаларни болажонлар ўз ички босими ва қўрқувини ёриб чиққан ҳолда оммага намоёйиш этади. Ўзида маълум бир нарсани уудалай олиш ишончи пайдо бўлади, шу билан бирга, жамоада навбат сақлаш ва керакли пайтда ўзига юклатилган вазифани бажариш кўникмаси ҳосил бўлади. Байрам кечаларининг ижобий томони шундаки, болажонларнинг ҳиссий барқарорлик ва жамоавий муҳитни яхшилаб бориш билан бир қаторда, коммуникативлик қобилиятини шакллантиради.

Мактабгача таълим ташкилоти мусиқа машғулотларига креатив рух бағишлаш орқали болажонларнинг маълум билимлар воситасида кўникмалар ҳосил қилиши, келажакда уларни нафақат саҳна билан боғлиқ касбларни эгаллашига, балки ижтимоий ҳаётда фаол ва киришимли бўлишига хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонуни Т-2019

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори
3. Қодирова Д. “Ўзбек миллий муסיқасининг эстетик хусусиятлари” Т-2010
4. Соипова Д. “Муסיқа ўқитиш назарияси ва методикаси” Т-2009